

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.03.02 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АВАЗОВ ЮСУФ ШОДИЕВИЧ

**КўП КОМПОНЕНТЛИ АРАЛАШМАЛАРНИ АЖРАТИШНИНГ
ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН
БОШҚАРИШ**

**05.01.08 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш
ва бошқариш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
Technical Sciences**

Авазов Юсуф Шодиевич

Кўп компонентли аралашмаларни ажратишнинг технологик жараёнларини
такомиллаштирилган бошқариш3

Авазов Юсуф Шодиевич

Усовершенствованное управление технологическими процессами разделения
многокомпонентных смесей21

Avazov Yusuf Shodiyevich

Advanced control of technological processes of distillation of multicomponent
mixtures39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.03.02 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АВАЗОВ ЮСУФ ШОДИЕВИЧ

**КўП КОМПОНЕНТЛИ АРАЛАШМАЛАРНИ АЖРАТИШНИНГ
ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН
БОШҚАРИШ**

**05.01.08 –Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш
ва бошқариш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4.PhD/Т512 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Юсупбеков Нодирбек Рустамбекович**
техника фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонентлар: **Исмаилов Мирхалил Агзамович**
техника фанлари доктори, профессор

Каипбергенов Батирбек Тулепбергенович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **«Ximavtomatika» МЧЖ**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.03.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» ___ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (+99871) 246-46-00; факс: (+99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (43 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (+99871) 246-03-41.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Ф.Т.Адилов
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси ўринбосари, т.ф.д., профессор

Ж.У.Севинов
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.н., доцент

Х.З.Игамбердиев
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда сўнги вақтларда технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш соҳасида илғор мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланаётган мураккаб технологик ва техник тизимларни такомиллаштирилган бошқариш концепцияси (Advanced Process Control – APC) га алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Бугун APC-ечимлар нефтни қайта ишлаш, нефткимё, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, металлургия, нефт ва газ казиб чиқариш, иссиқлик энергетикаси, целлюлоза ишлаб чиқариш, озиқ-овқат ва автомобилсозлик саноатида кенг қўлланилиши»¹ саноат тармоқларида етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Бу борада ривожланган мамлакатларда такомиллаштирилган бошқаришнинг APC-тизимлари асосида технологик қурилмаларни оптимал бошқаришнинг оператор аралашуви минимал бўлган ҳамда тадқиқ қилинаётган объектни башоратловчи моделлари асосида кўп ўлчамли бошқарувни амалга оширувчи стратегияни мужассамлаштирувчи ихтисослашган дастурий таъминотни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланмоқда.

Жаҳонда мураккаб аралашмаларни ажратишнинг технологик жараёнларини бошқариш сифатини оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан, маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичлари бўйича автоматлаштирилган тезкор тизимларни яратиш, ажратиш жараёнининг динамикаси учун модель олиш, ноаниқ мантиқ усуллари асосида жараённи ноаниқ вазиятли бошқариш алгоритмларини ишлаб чиқиш, ажратиш жараёнини бошқаришнинг такомиллаштирилган тизимлари (APC – Advanced Process Control) ни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда ҳозирги кунда фан ва техниканинг технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш ва бошқариш йўналишларига катта эътибор қаратилиб, жумладан, аралашмаларни ажратишнинг технологик жараёнларини автоматлаштириш ва бошқаришда энергия ва ресурс тежамкорликни таъминловчи такомиллаштирилган бошқариш тизимларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «... иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сарфини қисқартириш, ишлаб чиқаришга энергия тежамкор технологияларни жорий этиш, иқтисодиёт тармоқларидаги меҳнат унумдорлигини ошириш»² вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан, ростлаш контурларининг ўзаро таъсирларини компенсациялаш имконини берувчи кўп ўлчамли мантиқий ростлагичлар асосида иссиқлик ва масса алмашилишининг мураккаб технологик жараёнларини бошқаришнинг

¹ «Саноатда автоматлаштириш» журнали, 2013. № 1. (www.researchgate.net/publication/281148781)

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини 2017–2021 йилларда янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

юқори самарали интеллектуал тизимларини синтезлаш ва амалга ошириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини 2017–2021 йилларда янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2017 йил 27 июндаги ПҚ–3151-сон «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ–3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VII. «Кимёвий технология ва нанотехнологиялар» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон миқёсида илмий-тадқиқотлар натижасида ажратишнинг мураккаб технологик жараёнларини назорат қилиш ва бошқаришнинг юқори самарали тизимларини ривожлантиришга: “Honeywell”, SIMSCI-Simulation ва University of California, Massachusetts Institute of Technology (АҚШ), “Siemens” ва University of Münster (Олмония), Imperial College London (Буюк Британия), Shell Global Solution (Буюк Британия-Голландия), University of Chemical Technology in Prague (Чехия), Osaka University ва Tokyo Institute of Technology (Япония), Korea Advanced Institute of Science and Technology (Жанубий Корея), “Alstom” (Франция), “Simatek-Energo” (Беларусь), Россия кимё-технология университети (Россия) каби етакчи илмий ва олий таълим муассасалари ҳамда R.A.Aliev, S.Skogestad, W.L.Luyben, Koichi Asano, C.P.Almeida-Rivera, В.В.Кафаров, В.П.Мешалкин, А.И.Бояринов, В.Л.Перов, В.С.Балакеров, В.А.Шестопалов, Т.Н.Гартман, М.Глебов, М.Л.Мандельштейн, Л.А.Аксельрод, В.Р.Сатановский, Г.С.Тринчук ва бошқа хорижий олимлар ҳисса қўшишган.

Мамлакатимизда ажратиш жараёнларини математик моделлаштириш ва оптималлаштиришнинг илмий муаммоларини ечишга Н.Р.Юсупбеков, Ш.М.Гулямов, М.А.Исмаилов, Д.П.Мухитдинов, С.Г.Закиров, Т.Ф.Бекмурадов, Ш.Н.Нуритдинов, У.В.Маннанов ва бошқа олимлар ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшишган.

Бироқ сўнгги йилларда ажратиш жараёнлари жиддий мураккаблашиб, ушбу жараёнларнинг такомиллаштирилган бошқариш тизимларини яратишни талаб этмоқда. Шу билан биргаликда, юқори самарали бошқариш тизимларини яратишда юмшоқ ҳисоблашлар ва ноаниқ мантиқнинг замонавий аппаратларидан тўлақонли фойдаланиш имкониятларига етарли даражада эътибор қаратилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режаларининг Ф-7-47 – «Кўп компонентли аралашмаларни ажратиш жараёнларининг назарий асослари» (2012–2016); ОТ-Ф7-88 – «Тоза маҳсулотлар олишнинг энергия ва ресурстежамкор иссиқлик-масса алмашиниш жараёнларининг истиқболли мураккаб кимё-технологик тизимларининг назарий асосларини такомиллаштириш» (2017–2020) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кўп компонентли аралашмаларни ажратишнинг мураккаб технологик жараёнларини бошқаришнинг такомиллаштирилган тизимини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кўп компонентли аралашмаларни ажратиш жараёнининг динамикаси математик моделларини куриш;

ажратиш колонналари ишлашининг технологик режимларини бошқаришнинг дастурий-мантиқий алгоритмларини ишлаб чиқиш;

кўп компонентли аралашмаларни ажратиш жараёнини ноаниқ мантик усуллари асосида моделлаштириш;

қарор қабул қилишнинг ноаниқ моделлари асосида вазиятли бошқариш алгоритминини куриш;

ажратиш жараёнини бошқаришнинг такомиллаштирилган тизимини ишлаб чиқиш (брагоректификация қурилмаси мисолида).

Тадқиқотнинг объекти кўп компонентли аралашмаларни ажратишнинг мураккаб иссиқлик ва масса алмашиниш жараёнлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети мураккаб технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларнинг такомиллаштирилган бошқариш усуллари ва алгоритмларини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, автоматик бошқаришнинг замонавий назарияси, ноаниқ мантиқ усуллари, сунъий интеллект назарияси, аналитик ҳисоб усуллари, технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни моделлаштириш ва оптималлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

объектни бошқариш учун ноаниқ маҳсулий тизим кўринишида шакллантириладиган ёндашув ишлаб чиқилган;

инвариант бошқариш тизимининг параметрларини ҳисоблаш асосида ажратиш колонналари қисмларининг динамик модели ишлаб чиқилган;

ажратиш колонналарининг иш режимларини тайёр маҳсулот сифат кўрсаткичлари бўйича дастурий-мантиқий бошқариш алгоритми ишлаб чиқилган;

ноаниқ мантиқ усуллари арсенали асосида ажратиш колоннасини тезкор автоматлаштирилган бошқариш алгоритми ишлаб чиқилган;

ноаниқ-тўпламли тушунчалар асосида кўп компонентли аралашмаларни ажратиш жараёнларини вазиятли бошқариш усули ишлаб чиқилган;

этил спиртини ишлаб чиқаришдаги брагоректификация қурилмаларини такомиллаштирилган бошқаришнинг АРС-тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кўп компонентли аралашмаларни ажратиш жараёнининг инвариант бошқариш тизимини функционал схемаси ишлаб чиқилган;

такомиллаштирилган бошқаришда оператор учун хулосалар ишлаб чиқиш имконини берувчи дастурий таъминот ишлаб чиқилган;

ажратиш жараёнини ноаниқ мантиқ асосида бошқариш алгоритми ишлаб чиқилган;

ажратишнинг мураккаб технологик жараёнини бошқариш учун янги тузилишдаги такомиллаштирилган тизим ишлаб чиқилган;

ажратиш қурилмаларидаги асосий параметрларни ростлаш тизими учун ноаниқ ПИД-ростлагич модели Matlab муҳитида ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ноаниқ мантиқ ва вазиятли бошқариш алгоритмларига асосланиб, кўп компонентли аралашмаларни ажратиш жараёнларининг такомиллаштирилган бошқариш тизимини ишлаб чиқиш, шунингдек, замонавий усуллар ва воситалардан фойдаланиб, ўтказилган назарий ва тажрибавий тадқиқотлар натижаларининг ўзаро мувофиқлиги, саноат-синов тажрибалари натижаларининг ижобийлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ажратиш жараёнининг математик моделларини ишлаб чиқиш ва ноаниқ тўпламлар асосида кўп компонентли аралашмаларни ажратишнинг мураккаб технологик жараёнларини бошқаришнинг такомиллаштирилган тизимларини синтезлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти брагоректификация қурилмаларини автоматлаштирилган бошқариш учун ишлаб чиқилган такомиллаштирилган бошқариш тизими, усуллари, алгоритмлари ва моделларини кимё, нефткимё ва озиқ-овқат саноатларидаги ажратиш колонналарини бошқаришда қўллаш энергия ва ресурс сарфини 5–10 % га камайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Брагоректификация қурилмаларининг технологик схемасини такомиллаштириш ва уларнинг иш режимларини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кўп компонентли аралашмаларни ажратиш колоннасининг иш режимларини бошқаришнинг дастурий-мантиқий алгоритми Янгийўл шаҳридаги “ВЮКИМУ” АЖда жорий қилинган («Ўзшаробсаноат» АЖ нинг 2018 йил 16 апрелдаги ТУ-1083-сон маълумотномаси). Натижада ажратиш жараёнини бошқариш сифатини яхшилашга имкон берган;

ноаниқ мантиқ асосида ажратиш колоннасини бошқариш алгоритми “ВЮКИМУ” АЖда жорий қилинган («Ўзшаробсаноат» АЖ нинг 2018 йил

16 апрелдаги ТУ-1083-сон маълумотномаси). Натижада кўп компонентли аралашмаларни ажратиш жараёнларни бошқариш тизимини такомиллаштиришга имконият яратилган;

ноаниқ тўпламлар асосида кўп компонентли аралашмаларни ажратиш жараёнларини вазиятли бошқариш усули “ВІОКІМҮО” АЖда жорий қилинган («Ўзшаробсаноат» АЖ нинг 2018 йил 16 апрелдаги ТУ-1083-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижалари кўп компонентли аралашмаларни ажратиш жараёнларини такомиллаштирилган бошқаришдаги энергия ва ресурслар сарфини 5–10 % га камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 1 та республика илмий-техник анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Бажарилган тадқиқот натижалари бўйича 23 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, ЎзР ОАК эътироф этган илмий журналларда 10 та мақола, шундан 5 таси хорижда чоп этилган, ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилинганлиги тўғрисида 2 та гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 123 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Кўп компонентли аралашмаларни ажратиш жараёнларини такомиллаштирилган бошқариш назарияси ва амалиётининг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида илмий-техник муаммонинг танқидий жиҳатдан ечиладиган замонавий ҳолати таҳлил этилган. Ишлаб чиқариш саноати кўп компонентли аралашмаларини ажратишнинг мураккаб жараёнларини бошқаришни умумий қабул қилинган усуллари ва тизимларининг тузилишларини изоҳи келтирилган ҳамда бошқариш тизимларидаги барқарорлик режимларининг бузилиш сабаблари кўрсатилган. Кўп компонентли аралашмаларни ажратишнинг иссиқлик ва масса алмашиниш жараёнларини такомиллаштирилган бошқаришнинг асосий вазифалари баён қилинган. Ажратиш қурилмаларидаги ажратиш жараёнларини декомпозициялаш усули билан кўп ўлчамлилик ва кўп алоқалилик даражаларини пасайтириш, ажратиш жараёнларининг моделлаштириш масалаларини ечиш имконини берадиган имкониятлар

асосланган. Ажратиш курилмалари кетма-кет боғланган очик бошқариш тизимининг ташкил этувчилари сифатида қаралганида, уларни бошқарувчи локал тизимлар асосида ушбу жараёнларни бошқариш тизимларининг турғунлигини таъминлаш мумкинлиги кўрсатилган. Ажратиш жараёнининг бошқариш тизими сифатини олинаётган маҳсулот концентрацияси бўйича баҳолаш ҳисобига, энг яхши ростланадиган параметрлар сифатида колоннанинг қуйи ва юқори қисмларидаги ҳолатларни акс эттирувчи параметрларни қабул қилишнинг мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган. Бошқариш тизимларининг самарадорлигини ошириш ва тайёр маҳсулотнинг юқори сифатини таъминлаш тамойиллари ифодаланган.

Диссертациянинг «Этил спирти ишлаб чиқариш технологик жараёнларини математик моделлаштириш ва бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш» деб номланган иккинчи бобида кўп компонентли аралашмаларни ажратиш жараёнларини математик моделлаштириш ва бошқариш тизимларини амалга ошириш усуллари баён этилган. Кўп компонентли аралашмаларни ажратиш жараёнининг математик тавсифи келтирилган ҳамда типик ажратиш колонналарининг алоҳида қисмлари ишини динамик моделлари олинган ва улар асосида инвариант бошқариш тизимининг структуравий-параметрик синтези амалга оширилган.

Колонналарнинг юқори ва қуйи қисмларини ростлашнинг инвариант тизимларидаги корректловчи таъсирларни ҳисоблашда объектга бўлган ғалаёнларни ҳамда бошқариш каналининг динамик хоссаларини эътиборга олиш лозим. Шунинг учун ажратиш колоннасининг параметрлари колоннанинг конструктив ва режим параметрлари бўйича лойиҳалаш босқичида ҳисобланадиган тақрибий динамик модели келтириб чиқарилган.

i -ликоччанинг моддий баланс тенгламаси қуйидаги кўринишга эга (тузилиш схемаси 1-расмда келтирилган):

$$M_i \frac{dC_i}{dt} = F_{\phi n} (C_{i+1} - C_i) + F_{\sigma} (C_{i-1}^{\sigma} - C_i^{\sigma}), \quad i = 1, \dots, n \quad (1)$$

$$C_i^{\sigma} = f(C_i) \cong \alpha_i + \beta_i C_i \quad (2)$$


бу ерда β_i – i -ликоччанинг масса бериш коэффиценти; M_i – i -ликоччадаги суюқлик массаси; C_i – i -ликоччадаги суюқлик концентрацияси; C_i^{σ} – i -ликоччадаги буғ концентрацияси; F_{σ} – буғ сарфи; $F_{\phi n}$ – флегма сарфи.

Унда, i -ликоччанинг чизиклантирилган модели қуйидаги кўринишга эга:

$$M_i \frac{d\Delta C_i}{dt} = F_{\phi n} (\Delta C_{i+1} - \Delta C_i) + F_{\sigma} (\beta_{i-1} \Delta C_{i-1} - \beta_i \Delta C_i), \quad i = 1, \dots, n, \quad (3)$$


$$T_i \frac{d\Delta C_i}{dt} + \Delta C_i = k_{i-1} \Delta C_{i-1} + k_{i+1} \Delta C_{i+1}, \quad (4)$$

бу ерда: $T_i = \frac{M_i}{F_{\phi n} + \beta_i F_{\sigma}}$, $k_{i+1} = \frac{F_{\sigma} \beta_{i-1}}{F_{\phi n} + \beta_i F_{\sigma}}$, $k_{i-1} = \frac{F_{\sigma}}{F_{\phi n} + \beta_i F_{\sigma}}$.



1-расм. Ажратиш колоннасининг ликопчали моделларини тузилиш схемаси.

Ишда ажратиш колоннасининг умумий тузилиш схемаси (2-расм) қуйидаги модуллар тизими сифатида келтирилган: колонна куб ва қайнаткичи (W_0), колоннанинг ликопчали қуйи қисми (W_k), колоннанинг ликопчали юқори қисми ($W_{ю}$) ва флегма тўплагичли дефлегматор (W_{n+1}), таъминот ликопчаси (W_f).



2-расм. Ажратиш колоннасининг бошқариш тизимини тузилиш схемаси: $R_{кю}, R_{кк}$ – динамик компенсаторлар; R_{n+1} – босим ростлагичи; R_0 – куб суюқлиги сатҳ ростлагичи; $T_{ю}, T_k$ – колоннадаги ҳароратлар; P^* – берилган босим; L^* – берилган сатҳ.

Колоннанинг масса алмашинишли қисмини математик модели биринчи тартибли дифференциал тенгламалар тизими шаклида келтириб чиқарилган бўлиб, у ҳар бир ликопчадаги буғ ва суюқлик фазалари ўртасидаги масса алмашинишни акс эттиради. Ихтиёрий m ликопчадан иборат ликопчали соҳасининг тахминий модели иккинчи тартибли, кечикишли бўғин кўринишида бўлиб, унинг узатиш функцияси қуйидагича:

$$W_m(p) = \frac{k_m e^{p\tau_m}}{(Tp + 1)^2}, \quad (5)$$

бу ерда T – битта ликопчанинг ўртача вақт доимийси.

Колоннанинг йигирмата ликопчадан иборат соҳаси учун ўтиш жараёни эгри чизиқларини силликлантириш амалга оширилган (3-расм).

Ишда ажратиш колоннасини инвариант бошқариш тизими учун Z ғалаёнларга бўлган инвариантлик шартлари таклиф этилган:

$$y_{ЮЗ} = Z(p) \frac{1}{(Tp+1)^2} \left(k_{ZЮ} e^{-p\tau_{ZЮ}} - k_{УЮ} e^{-p\tau_{УЮ}} R_{KЮ} \right) = 0, \quad (6)$$


$$y_{KZ} = Z(p) \frac{1}{(Tp+1)^2} \left(k_{ZK} e^{-p\tau_{ZK}} - k_{УК} e^{-p\tau_{УК}} R_{KK} \right) = 0. \quad (7)$$

Очиқ инвариант бошқариш тизимининг динамик компенсаторларини узатиш функциялари қуйидаги кўринишга эга:

$$R_{KЮ}(p) = \frac{k_{ZЮ} e^{-p\tau_{ZЮ}}}{k_{УЮ} e^{-p\tau_{УЮ}}} = k_{\phi л} e^{-p(\tau_{ZЮ} - \tau_{УЮ})}, \quad (8)$$


$$R_{KK}(p) = \frac{k_{ZK} e^{-p\tau_{ZK}}}{k_{УК} e^{-p\tau_{УК}}} = k_{к.б.} e^{-p(\tau_{ZK} - \tau_{УК})}. \quad (9)$$

бу ерда $k_{\phi л} = \frac{k_{ZЮ}}{k_{УЮ}}$; $k_{к.б.} = \frac{k_{ZK}}{k_{УК}}$.




3-расм. Тадқиқот объектнинг ўтиш жараёни тавсифлари.

“Этанол-сув” аралашмаси мисолида саноат колоннасининг ишлаш шароити таҳлили, объект реал шароитларда таъминот аралашмаси сарфи ва таркиби бўйича лойиҳа режимига нисбатан 8–20 % фарқ билан ишлаши аниқланган (4- ва 5-расмлар).



4-расм. “Этанол-сув” аралашмаси сарфининг сутка давомида ўзгариши.



5-расм. Этанол концентрациясининг сутка давомида ўзгариши.


Диссертациянинг «Ажратиш колонналарини бошқаришни ноаниқ мантиқ асосида алгоритмлаш» номли учинчи бобида кўп компонентли аралашмаларни ажратиш жараёнини бошқаришнинг умумлашган алгоритми асосланган. Тегишлилик функцияларини жуфт-жуфт қилиб солиштириш усули билан аниқлаш услубияти баён қилинган ва кўп компонентли аралашмаларни ажратиш жараёнларини бошқаришнинг моделлари ноаниқ мантиқ асосида олинган.

Кўп компонентли аралашмаларни ажратиш жараёнини бошқариш алгоритми ишлаб чиқилган (6-расм). Алгоритм таркибида таҳлил қилиш ва бошқариш таъсири $U_{\text{бош}}$ ни башоратлаш блоклари мавжуд.

Ишлаб чиқилган алгоритмнинг бошланғич босқичи (2-блок) да кирувчи бошланғич аралашманинг бутун ҳажми таҳлил қилинган. Ажратиш жараёнининг белгиланган кўрсаткичлари назорат қилинган. Кириш ахборотларининг ўзгаришлари ҳақида олинган маълумотлар асосида ўлчанган ҳамда моделлар асосида башоратланган маълумотларни солиштириб, $U_{\text{бош}}$ бошқариш таъсирини танлаш амалга оширилган. Кейин бошқариш алгоритми даврий режимга ўтган ва натижада жараённинг барча ростланадиган катталиклари бўйича созлашлар амалга оширилган.

Ажратиш жараёнининг назорат қилинадиган параметрларини жорий ва

олдинги қийматларини ўлчаш натижаларини солиштириш 7-блокда амалга оширилган. Объектнинг технологик ўлчашлар ва жараён модели асосида олинган ҳолатлари таҳлил қилинган.




6-расм. Кўп компонентли аралашмаларни ажратиш жараёнларини бошқариш алгоритми.

Маълумотларни 8-блокда таҳлил қилиш асосида (зарурат бўлганда) ўзгартиришлар киритилиши назарда тутилган. 9-блокда ростланадиган параметрлар учун бошқариш таъсири U нинг вектори ишлаб чиқилади, унда $X = \{U_1, U_2, \dots, U_n\}$. Бошқариш таъсири $U^{(n)} = U^{(n-1)} + \Delta U^{(n)}$ га тенг бўлиб, $U^{(n)}$ – n -қадамдаги бошқариш таъсири, $\Delta U^{(n)}$ – бошқариш таъсирининг ўзгариши. $U^{(n)}$ ўзидан олдинги қадамдаги бошқариш таъсири ва назорат қилинадиган параметрлар векторлари тўпламига боғлиқликни намоён этади: $U^{(n)} = F(U^{(n-1)}, X')$, унда X' – назорат қилинадиган X параметрлар векторининг массиви, яъни $X' = \{X^{(k)}, X^{(k+1)}, \dots, X^{(n)}\}$. Ахборотлар ўлчашларнинг чекланган сонидан тўпланиши мумкин бўлганлиги учун k ни l га тенг бўлиши мажбурий эмас деб олинган.

Колоннанинг таъминот ликопчаси ва юқори қисмлари ўртасидаги ҳароратлар фарқининг қийматини $10-11^\circ\text{C}$ (T_{11}) чегарасида тутиб туриш тавсия этилган. Тегишлилик функцияси қийматларини ҳисоблаш учун лингвистик ўзгарувчи $\langle \text{Ҳароратлар фарқи} - \Delta T, T_{11}, X_l \rangle$ кўринишида ёзилган, бу ерда $T_{11} = \{\text{«жуда кичик»}, \text{«кичик»}, \text{«бир оз кичик»}, \text{«меъёрида»}, \text{«бир оз катта»}, \text{«катта»}, \text{«жуда катта»}\}$, $X_l = \{-T_{11}, -(0,75 \cdot T_{11}), -(0,5 \cdot T_{11}), 0, (0,5 \cdot T_{11}), (0,75 \cdot T_{11}), T \cdot T_{11}\}$. Колоннанинг таъминот ликопчаси ва юқори қисми

ўртасида ҳароратлар фарқининг лингвистик ўзгарувчисини барча термлари учун олинган графиклари умумий ҳолда келтирилган (7-расм).



7-расм. <Хароратлар фарқи – ΔT , T_{11} , X_1 > лингвистик ўзгарувчили тегишлилик функциясининг графиклари.


Ишда, шунингдек «Дистиллят концентрацияси» лингвистик ўзгарувчисининг тегишлилик функциялари ҳам шакллантирилган:

<«Дистиллят концентрацияси – C », C' , X_2 >,

бу ерда $C' = \{ \text{«жуда паст»}, \text{«паст»}, \text{«меъёрда»}, \text{«юқори»}, \text{«жуда юқори»} \}$;

$X_2 = \{0; 0,1; 0,2; 0,3; 0,4; 0,5; 0,6; 0,7; 0,8; 0,9; 1,0\}$ (чиқаетган дистиллятнинг 96,6 % ҳажм улушидан оғиш фоизлари).

Тегишлилик функцияларининг қийматлари график кўринишда келтирилган (8-расм).



8-расм. «Дистиллят концентрацияси» нинг тегишлилик функциялари.

Ростлаш тизимининг ҳолатлари ўтишлар матрицалари орқали акс эттирилган бўлиб, унда терм-гўплам $S = \{ \text{«жуда кичик»}, \text{«кичик»}, \text{«меъёрда»}, \text{«юқори»}, \text{«жуда юқори»} \}$, $S = \{C_1, C_2, C_3, C_4, C_5\}$ билан ифодаланган.

Ўтишлар матрицалари ва таъсирлар вақтидаги юз бериши мумкин

бўлган ўзгаришлар қуйидагича келтирилган:

а) Кўп ошириш:

$$M_{C_{11}} = \begin{pmatrix} & C_1 & C_2 & C_3 & C_4 & C_5 \\ C_1 & 0 & 0,1 & 1 & 0,3 & 0 \\ C_2 & 0 & 0 & 0,1 & 1 & 0,3 \\ C_3 & 0 & 0 & 0 & 0,1 & 1 \\ C_4 & 0 & 0 & 0 & 0 & 1 \\ C_5 & 0 & 0 & 0 & 0 & 1 \end{pmatrix},$$

б) Ошириш:

$$M_{C_{12}} = \begin{pmatrix} & C_1 & C_2 & C_3 & C_4 & C_5 \\ C_1 & 0,1 & 1 & 0,2 & 0 & 0 \\ C_2 & 0 & 0,1 & 1 & 0,2 & 0 \\ C_3 & 0 & 0 & 0,1 & 1 & 0,2 \\ C_4 & 0 & 0 & 0 & 0,1 & 1 \\ C_5 & 0 & 0 & 0 & 0 & 1 \end{pmatrix},$$

в) Ўзгартирилмасин:

$$M_{C_{13}} = \begin{pmatrix} & C_1 & C_2 & C_3 & C_4 & C_5 \\ C_1 & 1 & 0 & 0 & 0 & 0 \\ C_2 & 0 & 1 & 0 & 0 & 0 \\ C_3 & 0 & 0 & 1 & 0 & 0 \\ C_4 & 0 & 0 & 0 & 1 & 0 \\ C_5 & 0 & 0 & 0 & 0 & 1 \end{pmatrix}.$$


Вазиятли бошқариш усули ёрдамида қарор қабул қилишнинг ноаниқ моделлари асосида i -қадамда юзага келадиган бошқариш жараёни учун ноаниқ вазият модели ишлаб чиқилган:

$\bar{S}_i = \{ \langle \mu_1^1 / \text{“жуда паст”} \rangle, \langle \mu_2^1 / \text{“паст”} \rangle, \langle \mu_3^1 / \text{“меъёрда”} \rangle \} / \text{“бошланғич аралашма концентрацияси”} \}, \langle \mu_1^2 / \text{“жуда паст”} \rangle, \langle \mu_2^2 / \text{“паст”} \rangle, \langle \mu_3^2 / \text{“меъёрда”} \rangle, \langle \mu_4^2 / \text{“юқори”} \rangle, \langle \mu_5^2 / \text{“жуда юқори”} \rangle / \text{“ҳароратлар фарқи”} \}, \langle \mu_1^3 / \text{“жуда кичик”} \rangle, \langle \mu_2^3 / \text{“кичик”} \rangle, \langle \mu_3^3 / \text{“меъёрида”} \rangle, \langle \mu_4^3 / \text{“катта”} \rangle, \langle \mu_5^3 / \text{“жуда катта”} \rangle / \text{“флегма миқдори”} \} \}.$

Ишда ноаниқ эталон вазиятлар учун ишлаб чиқилган дастур асосида 75 та эталон вазиятлар шакллантирилган.

Диссертациянинг «**EXPERION PKS дастурий мажмуаси асосида ажратиш жараёнини такомиллаштирилган бошқариш тизими**» номли тўртинчи бобида ажратишнинг технологик жараёнлари учун APC-тизимларини ишлаб чиқишга бўлган ёндашув баён этилган.


Ишда кўп компонентли аралашмаларни ажратишнинг мураккаб технологик жараёнини бошқаришнинг такомиллаштирилган тизимини янги тузилиш схемаси ишлаб чиқилган (9-расм).



9-расм. Ажратишнинг технологик жараёнларини такомиллаштирилган бошқариш тизими таркибий схемаси.


Таклиф этилган янги тузилиш схемасида иккита асосий ташкил этувчи қисмлар: бошқаришнинг такомиллаштирилган АРС-тизими ва тақсимланган бошқариш тизими (ТБТ) алоҳида ажратиб кўрсатилган. Тузилиш схемасида АРС – Advanced Process Control – такомиллаштирилган бошқариш жараёнлари, ТБТ – тақсимланган бошқариш тизими, ҚҚҚБ – қарор қабул қилувчи блок, ВА – виртуал анализатор, ҚҚҚШ – қарор қабул қилувчи шахс, Д – датчиклар (ўлчаш воситалари), ДМК – дастурланадиган мантиқий контроллер, К.Ч. – киритиш-чиқариш қурилмаси, БО – бошқариш объекти, ИҚ – ижро қурилмалари каби ташкилий элементлар ва уларнинг вазифалари келтирилган.

Кўп компонентли аралашмаларни ажратишнинг такомиллаштирилган бошқариш тизими схемасига асосан, ажратиш жараёнини компьютерли моделлаштириш ва бошқариш тизими ишлаб чиқилган. Унда ажратиш жараёнининг асосий учта коллоннаси акс эттирилган (10-расм).



10-расм. Брагоректификация қурилмаларининг мнемосхемаси.


Келтирилган мнемосхемадаги ажратиш қурилмаларидан энг асосийси сифатида ректификациялаш колоннаси кўрсатилиб, унинг ахборотли схемаси тузилган (11-расм).




11-расм. Ректификация колоннасининг ахборотли схемаси.

Ректификациялаш колоннаси учун тузилган ахборотли схемада кўрсатилган Z ғалаён таъсирлари таркибига бошланғич аралашма концентрацияси, совуқ агент сарфи ва ҳарорати, дистиллят сатҳи, буғ ҳарорати ва босими, иссиқлик ташувчи ва таъминот аралашмаси оқимларининг солиштирама иссиқлик сиғимлари, куб маҳсулоти зичлиги, куб суюқлигининг солиштирама буғланиш иссиқлиги ва оқимларнинг моляр таркиби каби кўплаб омиллар киритилган.


Кўп компонентли аралашмаларни ажратишнинг мураккаб технологик жараёнини бошқариш учун таклиф этилган тизимнинг турғунлигини баҳолаш мақсадида оддий ПИД-ростлагичлар (13-расм) ва ноаниқ мантиқий ПИД-ростлагич (15-расм) ёрдамида ажратиш колоннасининг таъминот ликопчаси ва колонна юқори соҳасидаги ҳароратларни ростлашдаги ўтиш жараёнлари тавсифлари олинган.




12-расм. ПИД-ростлагичли ростлаш тизимининг тузилиш схемаси.



13-расм. Таъминот ликопчасидаги ҳарорат (1) ва колонна юқори соҳасидаги ҳарорат (2) ларни оддий ПИД-ростлагичлар ёрдамида ростлашдаги ўтиш жараёнлари тавсифлари.



14-расм. Ноаниқ мантиқий ПИД-ростлагичли ростлаш тизимининг тузилиш схемаси.



15-расм. Таъминот ликопчасидаги ҳарорат (1) ва колонна юқори соҳасидаги ҳарорат (2) ларни ноаниқ мантиқий ПИД-ростлагичлар ёрдамида ростлашдаги ўтиш жараёнлари тавсифлари.

Ишда келтирилган 13- ва 15-расмлардаги ўтиш жараёни тавсифларини

солиштириш асосида ноаниқ мантиқий ПИД-ростлагич ёрдамида амалга ошириладиган ростлаш тизимларининг ростлаш вақти оддий ПИД-ростлагичли тизимларникига қараганда 20 секундга қисқароқ эканлиги кўрсатилган.

ХУЛОСА

Кўп компонентли аралашмаларни ажратишнинг технологик жараёнларини такомиллаштирилган бошқариш тизимини ишлаб чиқишни тадқиқ қилиш натижасида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Кўп компонентли аралашмаларни ажратиш назарияси ва амалиётининг замонавий ҳолати таҳлил қилинган ва уларни келгусида ривожлантириш ва такомиллаштириш тенденциялари аниқланган.

2. Ажратиш колонналарини бошқариш объекти сифатида тадқиқ қилишда колонна таъминот ликопчаси ва юқори соҳаси ўртасидаги ҳароратлар фарқининг қиймати ёрдамида маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини ростлаш учун колонна таъминот ликопчаси ва юқори соҳаси ўртасидаги ҳароратлар фарқининг қийматини 10-11 °С оралиғида тутиб туриш мақсадга мувофиқлиги аниқланган.

3. Ажратиш колонналарини бошқариш учун таклиф этилган инвариант тизим ва жараён ҳолатини мантиқий таҳлил қилишдан фойдаланиш, ноаниқ ростлагичнинг созлаш параметрларига тузатмалар киритиш ва энергия истеъмолини қисқартириш имконини беради.

4. Ажратиш жараёнларининг ростланадиган параметрларини жуфт-жуфт қилиб солиштириш усули асосида аниқланган тегишлилик функциялари жараёни бошқаришда ноаниқ ростлагичларнинг параметрларини созлаш имкониятларини беради.

5. Ажратиш жараёнларини бошқаришдаги ноаниқ ҳолатларда лингвистик ўзгарувчиларнинг ноаниқ моделларини қўллаганда оптимал қарорлар қабул қилиш ва ноаниқ вазиятлар рўйхатини шакллантириш имкониятлари кўрсатилган.

6. Таклиф этилган моделлар технологик жараённинг ўлчанаётган параметрлари бўйича сифат кўрсаткичларини тезкор аниқлаш ва башоратлаш имконини беради ҳамда тайёр маҳсулот сифатини бошқариш имкониятини таъминлайди.

7. Кўп компонентли аралашмаларни ажратиш жараёнининг башоратловчи моделлари асосида, ғалаёнлантирувчи халақитларни операторга нисбатан тез ва юмшоқ бартараф этиб, қурилмаларни бошқариш имконини берадиган такомиллаштирилган бошқариш тизимининг янги тузилиши таклиф этилган.

8. Кўп компонентли аралашмаларни ажратишни моделлаштириш ва бошқаришнинг, брагоректификация қурилмаларининг оптимал иш режимларини танлаш ва тутиб туриш ҳамда уларнинг иш режимларини бир режимдан бошқасига тезкор ўтишини таъминловчи компьютерли мажмуаси ишлаб чиқилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.03.02
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

АВАЗОВ ЮСУФ ШОДИЕВИЧ

**УСОВЕРШЕНСТВОВАННОЕ УПРАВЛЕНИЕ
ТЕХНОЛОГИЧЕСКИМИ ПРОЦЕССАМИ РАЗДЕЛЕНИЯ
МНОГОКОМПОНЕНТНЫХ СМЕСЕЙ**

**05.01.08 – Автоматизация и управление технологическими процессами
и производствами**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.4.PhD/T512.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.tdtu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель: **Юсупбеков Нодирбек Рустамбекович**
доктор технических наук, профессор, академик

Официальные оппоненты: **Исмаилов Мирхалил Агзамович**
доктор технических наук, профессор

Каипбергенов Батирбек Тулепбергенович
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация: **ООО «Ximavtomatika»**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.03.02 при Ташкентском государственном техническом университете по адресу: 100095, г.Ташкент, ул.Университетская, 2. Тел: (+99871) 246-46-00; факс: (+99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрирована за № 43). Адрес: 100095, г.Ташкент, ул.Университетская, 2. Тел.: (+99871) 246-03-41.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки № ___ от «___» _____ 2018 года).

Ф.Т.Адилов
заместитель председателя Научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

Ж.У.Севинов
ученый секретарь Научного совета по
присуждению учёных степеней, к.т.н., доцент

Х.З.Игамбердиев
председатель Научного семинара при научном совете
по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор, академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире в последнее время в области автоматизации технологических процессов и производств особое внимание уделяется концепции усовершенствованного управления (Advanced Process Control – APC) сложными технологическими и техническими системами, получившей поддержку передовых стран. «Сегодня APC-решения в нефтепереработке, нефтехимии, производстве минеральных удобрений, металлургии, нефте- и газодобыче, тепловой энергетике, на производстве целлюлозы, в пищевой и автомобильной промышленности»¹ занимают ведущие позиции. В этой связи, в развитых странах особой задачей является реализация специализированного программного обеспечения, воплощающая стратегию оптимального управления технологической установкой при минимальном вмешательстве операторов и реализуемое средствами многомерного управления на основе прогнозирующей модели исследуемого объекта с помощью APC-систем усовершенствованного управления.

В мире осуществляются научные исследования, направленные на повышение качества управления технологическими процессами разделения сложных смесей. В этой связи, особое значение уделяется разработке: оперативной системы автоматизации по показателям качества продукта, модели динамики процесса разделения, алгоритмов управления процессом на основе методов нечеткой логики и нечеткого ситуационного управления, системы усовершенствованного управления (APC – Advanced Process Control) процессами разделения.

В настоящее время в Республике уделяя большое внимание направлениям автоматизации и управления технологическими процессами и производствами науки и техники, в том числе уделяется внимание созданию систем усовершенствованного управления, обеспечивающих энерго- и ресурсосбережение при автоматизации и управлении технологическими процессами разделения смесей. В Стратегии по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годы обозначены задачи, в том числе: «... сокращения энергоемкости и ресурсоемкости экономики, широкого внедрения в производство энергосберегающих технологий, повышения производительности труда в отраслях экономики»². Для решения этих задач одним из важных вопросов является синтез и реализация высокоэффективных интеллектуальных систем управления сложными тепло- и массообменными технологическими процессами на основе многомерных логических регуляторов с компенсацией взаимного влияния контуров регулирования.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики

¹ Журнал «Автоматизация в промышленности», 2013, № 1. (www.researchgate.net/publication/281148781)

² Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годы» УП–4947 от 7 февраля 2017 года.

Узбекистан № УП–4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года и Постановлениям Президента Республики Узбекистан № ПП–3151 «О мерах по дальнейшему расширению участия отраслей и сфер экономики в повышении качества подготовки специалистов с высшим образованием» от 27 июля 2017 года, № ПП–3682 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов» от 27 апреля 2018 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. В рамках мировых исследований по разработке высокоэффективных систем контроля и управления сложными технологическими процессами разделения большой вклад внесли следующие ведущие научные центры и высшие образовательные учреждения мира: “Honeywell”, SIMSCI-Simulation и University of California, Massachusetts Institute of Technology (США), “Siemens” и University of Münster (Германия), Imperial College London (Великобритания), Shell Global Solution (Великобритания-Голландия), University of Chemical Technology in Prague (Чехия), Osaka University и Tokyo Institute of Technology (Япония), Korea Advanced Institute of Science and Technology (Южная Корея), “Alstom” (Франция), “Simatek-Energo” (Беларусь), Российский химико-технологический университет (Россия), а также такие зарубежные ученые, как R.A.Aliev, S.Skogestad, W.L.Luyben, Koichi Asano, C.P.Almeida-Rivera, В.В.Кафаров, В.П.Мешалкин, А.И.Бояринов, В.Л.Перов, В.С.Балакирев, В.А.Шестопалов, Т.Н.Гартман, М.Глебов, М.Л.Мандельштей, Л.А.Аксельрод, В.Р.Сатановский, Г.С.Тринчук и др.

Весомый вклад в решение научных проблем математического моделирования и оптимизации разделительных процессов в нашей республике внесли такие ученые, как Н.Р.Юсупбеков, Ш.М.Гулямов, Д.П.Мухитдинов, С.Г.Закиров, Т.Ф.Бекмурадов, М.А.Исмаилов, Ш.Н.Нуритдинов, У.В.Маннанов и др.

Однако в последние годы существенно осложнились процессы разделения, требующие создания системы усовершенствованного управления. Вместе с тем не уделяется достаточного внимания созданию высокоэффективных систем управления, полноценно использующих возможности применения современного аппарата нечеткой логики и мягких вычислений.

